

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017-2021 йилларда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси" [Http://StratEgy.Regulation.Gov.Uz/Uz/Document/2](http://StratEgy.Regulation.Gov.Uz/Uz/Document/2).
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислоҳ Ҳамкорлик Ташкilotининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи.//“Халқ сўзи”, 2017 йил 11 Сентябрь.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь кунги Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.//“Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.
5. H.K.Marquta. "Water resouces and empact of climate change on water reources in control Asia". Ln. Hydrology and limnology of central Asia. Springer, senrinqer Singapore, 2014. ppi-9.
6. J.Patrick, J.Frankiln, J.James. "The environmental science of drinking water"/ 2005-elsevier. Pp.1-324.
7. D.D.Chiras. "Environmental science eience eiqhth edition". Endia-2010. Pp.244-273, 344-360, 463.
8. Ciroll. "Water in Central Asia-past, present future". Crc press Balkema, New-York 2013. 432.
9. R.Sup. "Determination of heavy metals in soils using technique". 2015. V55-p 815-820.
10. D.Rise "The basis agroecollogical and sustainable use of land and water resources (in Russian)", 2016. Pp 35-40.
11. A.Jilili. "The state of woody plants of natural and antropogenic ecosystems of the European part of Russia and their bioindication". Studies 2018-v.283-p. 914-920.
12. M.М.Бушев. Отчет по голодиостепенкой опытной станции за 1915 г. Вып-2, 8-22 С.
13. В.А.Ковда. "Дренаж в борьбе с засолением орошаемых почв". Сборник "Применение дренажа при освоении засоленных земель". Москва, 1965. 174-176 с.
14. Л.М.Куропатка. "Регулирование водно-солевого режима почв Узбекистана". Ташкент, "Фан" 1975. 152 с.
15. О.А.Камилов. "Минерализация засоленных почв Узбекистана". Ташкент, "Фан" 1985. 230 с.
16. Р.Қўзиев, Н.Ю.Абдурахмонов. "Республика тупроқларининг ҳолати, унумдорлиги ва уни яхшилаш йўллари". Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Тошкент-2017. 12-23 б.
17. С.А.Абдуллаев, Т.А.Абдурахмонов, С.Саидов, З.Абдушукурова. "Суғориш таъсирида Жиззах вилояти тупроқларининг туз режимини ўзгариши". Биологик ва агротупроқшунослик таълим муаммолари ва истиқболи: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент-2011. 282-284 б.
18. У.А.Ахмедов, С.А.Абдуллаев, Ғ.Т.Парпиев. "Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари". Монография.- Тошкент ЎзФА "Фан" нашр., 2005 V боб. 122-157 б.
19. Х.Номозов. "Почвенно-мелиоративные условия Джизакской степи и их изменения под влиянием орошения". Автореферат кандидат. диссерт.. Тошкент ГосНИИПА 1996. 28 б.
20. М.Рахмонова. "Физические свойства почв районов нового и перспективного орошения Узбекистана". Тошкент. "Фан" 2016. 38-40 б.
21. Н.И.Шодиева. "Воҳа тупроқларининг экологик мелиоратив ҳолати ва уларнинг муҳофазаси". Самарқанд 2017. 26-27 б.
22. И.Э.Махмудов. "Эскидан суғориладиган тупроқларнинг асосий хоссалари ва уларни унумдорлигини баҳолаш". Тупроқшунослик мамлакат экологик ва озиқ-овқат хавфсизлиги хизматида мафзусидаги республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Тошкент 2019. 54-57 б.
23. М.Тожиёв. "Ўзбекистоннинг жанубий саҳро минтақаси, экстремал иқлим шароитларида тупроқ унумдорлиги, ғўза, буғдой ҳосилдорлигини ошириш ва ем-хашак базасини яратишнинг илмий асослари". Қарши "Насаф" 2015. 9-21, 118-122 б.
24. Х.Зокиров, О.Нормуратов. "Тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги (Сурхондарё вилояти тупроқлари мисолида)". Агро илм 2022. 77-80 б.
25. Donna Mitchell, Schierhon (2011) "Water resources in Central Asia: regional stability of patcsiy make up control survey p:275-290".
26. Ш.Бобохолов (Диссертация). "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига иқлим ўзгаришининг таъсири ва адаптация жараёнларини иқтисодий баҳолаш (Самарқанд вилояти мисолида)". Тошкент-2022 йил. 5-6 бет.
27. Х.Болтаев. "Тупроқларни агрокимёвий хариталаш". Ўқув-услубий қўлланма. Термиз-2006. 3-6 б.



**ГЛОБАЛ РАҚОБАТ ШАРОИТИДА МИНТАҚАВИЙ АГРОСАНОАТ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШИДА КЛАСТЕРИЗАЦИЯЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА
БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР**

Элов Дилшод Абдужабборович -
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
доценти, и.ф.н.

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a68

Аннотация. Мақолада агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш зарурати илмий асосланиб, уни бошқаришга бағишланган илмий қарашлар таҳлил қилинган. Шунингдек, агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кластер, агрокластер, бошқарув, кластерли бошқарув, рақобатбардошлик, глобал рақобатбардошлик, иктисослашув, интеграция, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги.

НАУЧНЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ОРГАНИЗАЦИЮ КЛАСТЕРИЗАЦИИ В РЕГИОНАЛЬНОМ АГРОПРОМЫШЛЕННОМ ПРОИЗВОДСТВЕ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНОЙ КОНКУРЕНЦИИ

Элов Дилшод Абдужабборович -
к.э.н., доцент имени Мирзо Улугбека
Национальный университет Узбекистана

Аннотация: В статье научно обоснована необходимость организации деятельности агрокластеров, проанализированы научные взгляды, посвященные его управлению. Также разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на совершенствование практики организации и управления агрокластерами

Ключевые слова: кластер, агрокластер, управление, кластерное управление, конкурентоспособность, глобальная конкурентоспособность, специализация, интеграция, продовольственная безопасность, сельское хозяйство

SCIENTIFIC VIEWS ON THE ORGANIZATION OF CLUSTERIZATION IN REGIONAL AGRICULTURAL PRODUCTION IN CONDITIONS OF GLOBAL COMPETITION

Elov Dilshod Abdujabborovich -
Ph.D., Associate Professor named after
Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

Annotation. The article scientifically substantiates the need to organize the activities of agroclusters, analyzes scientific views on its management. Also developed scientific proposals and practical recommendations aimed at improving the practice of organizing and managing agroclusters.

Keywords: cluster, agrocluster, management, cluster management, competitiveness, global competitiveness, specialization, integration, food security, agriculture.

Кириш. Агрокластерлар фаолияти самарадорлиги унинг таркибига кирувчи кичик турдаги фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритувчи корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолияти билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Шу билан биргаликда, агрокластерлар ташкил этилган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга эришилади. Ҳудудларда агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш орқали турли ижтимоий муаммоларни, жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадлари базасини мустаҳкамлаш, мамлакат аҳолисини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш орқали миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлади[1]. Жумладан, аксарият мамлакатларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кластерли ёндашувдан фойдаланиш орқали агрокластерлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг миллий ва глобал даражадаги рақобатбардошлигини оширишга эришилмоқда[2]. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, мамлакатда қанчалик агрокластерлар кўп ташкил этилган бўлса, ўша мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг глобал даражадаги рақобатбардошлиги кўрсаткичи бошқа мамлакатларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланган[3]. Ушбу ҳолат бугунги кунда ҳар қандай мамлакат қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, жумладан, миллий озиқ-овқат хавфсизлигига

эришиши учун аграр соҳага кластерли ёндашув асосида ёндашиши талаб этилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришга оид илмий-назарий қарашларнинг ривожланиш босқичлари, агрокластерлар бошқарувида инновацион лойиҳалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва унга таъсир этувчи омиллар, агрокластер бошқарувининг услубий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари узоқ хорижлик Р.Клаудио, Р.Г.Купер, М.Делгадо, Д.Долореукс, И.Лаур, Г.Линден каби иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топади.

Фан соҳасида “кластер” атамаси дастлаб аниқ ва табиий фанларда қўлланилган бўлиб, XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб иқтисодий адабиётга кириб келди. Бунда швед иқтисодчилари К.Фредриксон ва Л.Линдмарк томонидан ўтказилган ҳудудий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этди. Тадқиқот жараёнида ушбу олимлар томонидан бир ҳудудда жойлашган турли корхоналар фаолиятини таҳлил этишда, ўзаро иқтисодий муносабатларга киришган, яъни бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда турли корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликларнинг ташкил этилганлиги аниқланиб, улар фаолиятининг умумий натижасини баҳолашда кластер атамасидан фойдаланилган[7]. Бу эса иқтисодий адабиётда кластерли ёндашувнинг шаклланишига туртки бўлган.

Илк бор иқтисодий адабиётда XIX асрда яшаб ўтган В.Лаундхардт[8], А.Вебер[9] ва А.Маршал[10] томонидан ўтказилган тадқиқотларда кластерли бошқарув учун хос бўлган хусусиятлар намоён бўлган. Мазкур олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар объекти сифатида индустриал ҳудудлар танлаб олиниб, бунда иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг географик локализацияси ўзаро алоқадорликда ривожланиши борасидаги илмий хулосалар олинган. Аммо улар ушбу жараёнларни кластерли ёндашув сифатида эмас, балки корхона ва ташкилотлар ўртасидаги интеграцион муносабатларнинг мавжуд эканлигига эътибор қаратганлар. Шу билан биргаликда, бир ҳудудда маълум бир турдаги товар ишлаб чиқариш ва янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларининг самарадорлигини оширишда унда иштирок этувчи корхона ташкилотлар ўртасидаги ўзаро интеграцион муносабатларни чуқурлаштириш лозим, деган хулосага келинган.

Шунингдек, Б.Йонсон ва Б.Лаундвал тадқиқотларида ҳам кластерли бошқарув назарияси билан боғлиқ ҳисобланган илмий қарашлар учрайди. Улар томонидан ишлаб чиқилган “ривожланиш блоклари” концепциясида ҳам ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмалари (уюшмалар) билан таълим хизматлари кўрсатувчи муассасалар фаолияти ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг таъминланиши миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва глобал даражадаги рақобатбардошликни ошириш имкониятларини кенгайтириши тўғрисида илмий қарашлар мавжуд[11].

XX асрнинг 80 йилларига келиб, М.Портер томонидан амалга оширилган тадқиқотларда “кластер” атамасининг иқтисодий категория сифатидаги туб моҳиятини ёритишга ҳаракат қилинган. Унинг фикрича, “маълум бир соҳада, географик жиҳатдан бир ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот ва институтлар хўжалик фаолиятининг тармоқлараро бирлашувида намоён бўлиши кластер ҳисобланади”[12]. Мазкур ёндашувда кластерли бошқарув бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда иштирок этувчи турли корхона ва ташкилотлар ўртасидаги чуқур интеграцион муносабатларга асосланганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

М.Портер тадқиқотлари ўзидан аввалги тадқиқотларда интеграцион муносабатлар борасидаги илмий қарашларнинг афзалликларини умумлаштирган ҳолда уларни кластерли бошқарув хусусиятлари сифатида баҳолаганлиги билан тавсифланади. Шунингдек, олим томонидан жаҳонда етакчи 10 та мамлакат миллий иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари ўрганилганда, кластерлаштириш миллий рақобат афзалликларидан фойдаланиш самарадорлиги-

ни ошириши ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини кафолатловчи жараён эканлиги аниқланган[13].

Қишлоқ хўжалиги ривожланишини агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш орқали бошқариш самарадорлигини ошириш халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотларда ҳам ўз аксини топади. Жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти эксперти Э.Галвез-Ногалес фикрича, агрокластерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи турли корхона ва ташкилотларнинг умумий иқтисодий манфаатдорликка эришишида ўз имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида расмий ёки норасмий тарзда қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, илмий тадқиқот институтлари, хизмат кўрсатиш каби соҳалар ўртасидаги ўзаро интеграцион муносабатларга киришиши билан биргаликда тармоқлараро муносабатларнинг ўрнатилиши натижасида шаклланади[14]. Мазкур илмий қараш агрокластерлар ҳар қандай вазиятда ҳам шаклланиши мумкинлигини аниқлатади. Яъни олим томонидан берилган таърифда “расмий ёки норасмий тарзда” деб таъкидланиши, қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритувчи субъектлар ўртасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган ўзаро ҳамкорлик муносабатлари расмий кластер ташкил этилмаган тақдирда ҳам, интеграцион муносабатларга киришиши натижасида улар фаолияти бошқарилишида кластерли ёндашув шаклланади, деган хулосага келиш имконини беради.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Қишлоқ хўжалигида агрокластерларни ташкил этишнинг жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, бу орқали қишлоқ жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишга эришилганлиги кўплаб илмий тадқиқотларда ўз аксини топган. Жумладан, қишлоқ жойларнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик барқарорлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этишни кучайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадлари базасини мустақамлаш билан биргаликда, миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби ижобий тенденциялар агрокластерлар фаолияти ташкил этилган мамлакатлар амалиётида намоён бўлган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кластерли ёндашувнинг яна бир муҳим жиҳати маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритувчи иқтисодий субъектларнинг хўжалик юритиш шаклини кластеризациялаш орқали соҳадаги мавжуд турли муаммоларни ҳал этишга эришилади. Жумладан:

биринчидан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мева-сабзавотлар етиштириш билан шуғулланаётган аксарият аграр соҳа субъектлари кичик турдаги хўжалик юритиш шаклида бўлиб, улар томонидан етиштирилаётган ва қайта ишланаётган маҳсулотларнинг сифатига қўйиладиган талаблар бўйича ягона тизим шаклланиб улгурмаган. Агрокластерни ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, географик жиҳатдан бир ҳудудда кичик шаклда қишлоқ хўжалиги фаолияти юритаётган иқтисодий субъектлар фаолияти ўзаро бирлаштирилган ҳолда, ягона агрокластерга тизимли равишда умумлаштирилади. Натижада улар фаолиятидаги таъминот занжирининг барқарорлиги таъминланиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш билан биргаликда, уларнинг сифатини бошқариш имкониятлари кенгайди;

иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг ҳосилдорлик мавсумида, айниқса, йиғим-терим ишлари авж олган пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ муддат сақлаш имконини берувчи омборлар етишмаслиги. Шу сабабли олинган ҳосилнинг салмоқли қисми сотиш учун бозорларга чиқарилади ва мева-сабзавотларнинг нархи кескин тушиб кетиши эҳтимоли вужудга келади. Уларнинг маълум бир қисми сақлаш учун тегишли шарт-шароитларнинг йўқлиги сабабли истеъмолга яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Натижада қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритувчи хўжалик субъектлари олишлари мумкин бўлган даромаднинг бир қисмини йўқотишлари мумкин бўлади. Худудларда ихтисослашган агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ муддат сақлаш имконини берувчи йирик омборлар қурилиши орқали соҳа инфратузилмасини етарли даражада ривожлантиришга эришилади. Бу эса қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритувчи хўжалик субъектлари олиши мумкин бўлган даромади ҳажмидаги иқтисодий зарарнинг камайиши билан биргаликда, агрокластернинг капитализациялашув даражасини ошириш имконини беради;

учинчидан, етиштирилаётган ва қайта ишланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлаш бўйича имкониятларнинг чекланганлиги. Айниқса, ҳосилдорлик шароитида маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни қадоқлаш бўлинмаларининг фаолиятига юкнинг ортиши натижасида маҳсулотларни тўлиқ қадоқлашга

ёки қайта ишлашга улгурмайдилар. Ушбу ҳолатда ҳам маълум бир ҳажмдаги маҳсулотлар қайта ишлашга ёки қадоқлашга яроқсиз ҳолатга тушиб қолади. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи иқтисодий субъектларнинг маълум даражада зарар кўришига олиб келади;

тўртинчидан, маҳсулотларни ташиш бўйича кичик турдаги қишлоқ хўжалиги субъектлари имкониятларининг чекланганлиги. Бунда етиштирилган маҳсулотларни ташиш учун қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан қўшимча харажат қилиниши назарда тутилмоқда. Шу билан биргаликда, етиштирилган маҳсулотларни ташиш жараёнида автомобиль йўлларининг нотекислиги маҳсулотлар сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳам маълум бир ҳажмдаги маҳсулотларнинг истеъмолга яроқсиз ҳолатга тушишига олиб келиши мумкин бўлади;

бешинчидан, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан ортиқ қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Шу билан биргаликда, қишлоқ жойларда ишсизлик муаммоси нисбатан юқори бўлиб, иш ҳақи даражаси ҳам нисбатан паст ҳисобланади.

Юқорида келтирилган ҳолатлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳисобланиб, улар ўз ўрнида республика ҳудудларида агрокластерлар фаолиятини ривожлантириш заруратини ўзида акс эттиради. Шунингдек, иқтисодий адабиётда агрокластер фаолиятини бошқариш қўйидаги белгилар орқали қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритувчи бошқа иқтисодий субъектлардан фарқланади:

– агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектлари гуруҳининг умумлашган ҳолдаги ташқи бозордаги иштирокини кенгайтиришга йўналтирилганлиги;

– агрокластер фаолияти ўзи жойлашган ҳудуддаги қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилганлиги;

– агрокластерни бошқаришда давлат томонидан яратилаётган имтиёزلардан фойдаланиш орқали унинг таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектлари, жумладан, бошқа турдаги корхона ва ташкилотларнинг агрокластер фаолиятини ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириши;

– агрокластерга аъзо бўлган қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасида барқарор ички таъминот занжирининг шаклланиши[4].

АҚШ, Германия, Франция, Финляндия, Австрия, Нидерландия каби тараққий этган мамлакатлар, жумладан, Хитой, Малайзия, Индонезия, Ҳиндистон каби ривожланаётган мамлакатлар ва Россия, Украина, Қозоғистон, Венгрия,

Словения каби бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлар амалиётида миллий қишлоқ хўжалигининг глобал рақобатбардошлиги даражасини оширишда агрокластерли бошқарув услубиятидан фойдаланиб келинмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, бугунги кунда жаҳон мамлакатларининг 50,0 фоизидан ортиқ қисми қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини ошириш, миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлашда айнан агрокластерли бошқарув амалиётининг кенг фойдаланиб келмоқда[5].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, унинг глобал рақобатбардошлиги кўрсаткичларини яхшилаш, соҳага инновацияларни жорий этиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини сифат жиҳатдан такомиллаштиришда агрокластерли бошқарув амалиётига ўтиш замон талаби сифатида намоён бўлмоқда, деган хулосага келиш мумкин. Бунда иқтисодий адабиётда кластерли ёндашувнинг шаклланиши ва ривожланиши борасидаги илмий тадқиқотларни чуқур тадқиқ этиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигининг агрокластерли бошқаруви амалиётининг туб моҳиятини тушуниб етиш учун, аввало, унинг асосини таҳлил қилиш лозим. Умуман олганда, агрокластерли бошқарув “кластер” атамаси билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Кластер атамаси келиб чиқиши инглиз тилидаги “cluster” сўзидан олинган бўлиб, луғавий жиҳатдан турли ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда бўлган элементларнинг бирлашиши, уларнинг бир нуқтада (ёки жойда) тўпланишини англатади[6]. Шу билан биргаликда, маълум бир даражадаги умумий хусусиятларга эга бўлган турли гуруҳларни ҳам англатади.

В.В.Демичев томонидан амалга оширилган тадқиқотларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда агрокластерларни ташкил этиш орқали кластерли бошқарув асосида рақобат устунлигига эришиш мумкинлиги исботланган[15]. А.С.Хухрин фикрича, қишлоқ хўжалиги ривожланиши шароитида кластерлар мустақил равишда шаклланидиган яхлит тузилма ҳисобланади[16].

Юқорида келтирилган илмий қарашларга асосланган ҳолда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда агрокластер фаолияти ташкил этилиши табиий ҳол эканлиги ҳақидаги хулосаларга келиш мумкин бўлади. Қишлоқ хўжалигида агрокластерларнинг шаклланиши уни бошқариш амалиётини тубдан такомиллаштириш заруратини уйғотади. Шу ўринда Т.В.Цихан тадқи-

қотларига эътиборни қаратиш зарур. Олим агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигидаги ўзаро алоқадор бўлган хўжалик юритиш шакллари фаолиятининг биргаликда бошқарилиши уларнинг иқтисодий фаолияти самарадорлигини кескин ошириш билан биргаликда, рақобат устунлигига эришиши кафолатланади, деб ҳисоблайди. Жумладан, агрокластерлар намоён бўлишининг қуйидаги уч хусусиятини ажратиб кўрсатади:

– агрокластерлар юқори агрегатлашув даражасига эга бўлган тармоқлараро интеграцион бирлашма сифатида намоён бўлади;

– агрокластерлар қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ҳолда илмий фаолият юритувчи илмий тадқиқот муассасалари, шунингдек, турдош ва соҳага хизмат кўрсатувчи тармоқлардаги иқтисодий фаолиятнинг ҳудудий жиҳатдан чегараланган шакли ҳисобланади (бунда бир ҳудудда ташкил этилган ҳудудий агрокластерлар фаолияти назарда тутилмоқда);

– вертикал тарзда ташкил этилган агрокластерлар – бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни истеъмолга яроқли ҳолатга келгунга қадар бўлган барча ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этувчи турли тармоқ вакиллари манфатларининг бирлашуви назарда тутилади[17].

Шунингдек, А.А.Мигранян томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ҳам кластерлар фаолиятини тадқиқ этишда қуйидаги уч хил ёндашув ажратиб кўрсатилган:

– маълум бир ҳудудда йирик корхона атрофида жамланган хўжалик субъектлари кластер сифатида намоён бўлади;

– истеъмолга тайёр ҳолатдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча бўғинлар, жумладан, илмий тадқиқот, ҳомашё таъминоти, ишлаб чиқариш, тижорат ва ундан кейинги хизмат кўрсатиш каби соҳаларни ўзида мужассамлаштирган корхона ва ташкилотларнинг вертикал шаклдаги технологик тизимдаги жамланмаси;

– соҳа ёки тармоқ кластери[18].

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Ч.Муродов фикрича, “агрокластер – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона занжирга бирлаштириш ва юқори технологик инновациялардан фойдаланиш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ жойларда инфратузилма мажмуини шакллантириш ва ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ҳамда келажакда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва экологик муҳитни яхшилашда фаолият юритадиган хўжалик юритиш субъектларидан таркиб топади”[19]. Олим томонидан агрокластер-


ларга нисбатан берилган таъриф унинг кенг маънодаги моҳиятини тушунтиришга хизмат қилади. Жумладан, олим агрокластерлар фаолияти учун хос бўлган қуйидаги хусусиятларни ажратиб кўрсатади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш;
- тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар;
- турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларнинг шаклланиши[19].

Шу билан биргаликда, У.Саидахмедов томонидан амалга оширилган тадқиқотларда “кластерлар – бир хил ёки бир-бирига яқин бўлган соҳаларда фаолият юритаётган ва географик жиҳатдан ўзаро яқин жойлашган корхоналар гуруҳидир. Бу корхоналар технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Бундан ташқари ушбу корхоналар битта умумий мақсад учун – рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун бирлашган бўлиши зарур”[20]. Ушбу таърифда кластерли бошқарув рақобатбардошликни таъ-

минлашга қаратилган бўлиши лозимлигига устуворлик қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Шунга ўхшаш илмий қараш Р.И.Исроилов тадқиқотларида ҳам ўз аксини топади. Унинг фикрича, “кластер аниқ бир соҳада технологик занжирга бирлашган, бир географик ҳудудда жойлашган, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган хўжалик субъектлари ва ривожланиш институтлари гуруҳи ҳисобланиб, бир мақсад учун рақобатбардошлигини таъминлаш йўлида ўзаро бирлаштирувчи жараён”[21].

Маҳаллий иқтисодчилардан яна бири Қ.Мамадалиев ўз илмий тадқиқотларида “кластер ўзида локализация қилинган иқтисодий тузилмалар мажмуини ифодалайди”[22] деган ғояни илгари суради. Мазкур таърифда агрокластерлар фаолиятини ривожлантириш орқали амалга оширилаётган маҳаллийлаштириш дастурларининг самарадорлигини оширишга эришилишига устуворлик қаратилган. Ушбу ёндашув юқорида келтирилган Ч.Муродов томонидан агрокластерлар учун хос бўлган хусусиятларнинг агрокластерли бошқарувда намоён бўлишини англатади.



1-расм. Агрокластер фаолиятини бошқаришнинг технологик занжири

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодий адабиётда агрокластерли бошқарув соҳасига оид бўлган илмий қарашларни тизимли таҳлил қилиш асосида қишлоқ хўжалигини кластерли ёндашув асосида бошқариш 1-расмда келтирилган тартибдаги технологик занжирнинг шаклланиши орқали намоён бўлади, деган хулосага келинди.

Ишлаб чиқилган агрокластерлар фаолиятини бошқаришнинг технологик занжири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан тортиб, уни саноат тармоқларида қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотни сақлаш, етказиб бериш, қадоқлаш каби хизматлар билан биргаликда, уни истеъмолчига етиб боргунга қадар даврни ўз ичига олганлиги билан тавсифланади. Шу

ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу технологик занжир агрокластер фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш даврини ҳам ўзида мужассамлаштирган ҳолда, доимий равишда такрорланиш хусусиятига эга ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида агрокластерларнинг ташкил этилиши соҳанинг глобал даражадаги рақобатбардошлигини ошириши, миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имкониятини кенгайтириши билан биргаликда, инновацион ривожланиш самарадорлигини таъминлаётгани борасидаги илмий қарашларга асосланган ҳолда, замонавий агрокластерларнинг таркибий тузилиши 2-расмда келтирилган тартибда бўлади, деган хулосага келинди.



2-расм. Қишлоқ хўжалигида замонавий агрокластерларнинг таркибий тузилиши

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Хулоса ва таклифлар. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда агрокластерли бошқаруving ривожланишига оид илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш асосида унинг намоён бўлишига хос бўлган қуйидаги хусусиятлар мавжудлиги аниқланди:

- агрокластер таркибига кирган корхона ва ташкилотларнинг географик жиҳатдан бир ҳудудда жойлашиши;
- маълум бир турдаги маҳсулотни яратиш бўйича тармоқлараро интеграцион муносабатларнинг кучайиши;
- маҳаллийлаштириш дастурлари самардорлигини ошириш;
- агрокластер томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари яхшиланиши;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда агрокластер таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар манфаатларининг бирдек кўзланиши;
- агрокластер ташкил этилган соҳанинг инновацион фаоллиги даражаси кескин ортиши;
- агрокластерларнинг капитализациялашув даражаси юқорилиги;
- молиявий имкониятларнинг кенглиги;
- халқаро бозорларга чиқиш, жумладан, янги бозорларга кириб бориш имкониятининг ортиши ва ҳ.к.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда агрокластерли ёндашувга асосланган бошқарув амалиётига ўтиш миллий ва глобал даражада иқтисодий муносабатларнинг тобора мураккаблашиб бориши шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойланиш учун замин яратади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юнусова П.С. Зависимость конкурентоспособности продукции аграрного сектора регионов СКФО от формы хозяйствования. // Региональные проблемы преобразования экономики. 2020. № 2 (112). С. 34-40.
2. Куценко Е.С., Исланкина Е.А., Абашкин В.Л. Судьбы кластерных инициатив в России: оценки роли государства, соседства, возраста и инновационной среды. XVII апрельская международная конференция по проблемам развития экономики и общества. Т. 3. Издательский дом Высшей школы экономики. – М., 2017. С. 400-405.
3. Хухрин А.С., Бундина О.И., Азнаева И.Ю., Толмачева Н.П. Развитие агропромышленных кластеров России: синергетический подход. // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2014. № 11. С. 56-62.
4. Porter М.Е. (1998). Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review, November-December: 77-90.
5. Фалькович Е.Б. Теоретические аспекты кластеризации аграрной сферы. // Вестник Тамбовского университета. Серия. Гуманитарные науки. 2014. № 5 (133). С. 73-79.
6. Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Муродова М. Агрокластер: ташкил этишининг назарий асослари. // Иқтисод ва молия илмий журнали. 2014. 2-сон. 19-25-бетлар.
7. Spatial analysis, industry and the industrial environment. Progress in research and applications. Vol. 1. Industrial systems. / Edited by F.E.I.Hamilton and Linge G.J.R.Chichester, N.Y.Brisbane. – Toronto: Wiley, 1979.

8. Wilhelm Launhardt. *The theory of the Trace: Being a Discussion of the Principles of Location*. Nabu Press. January 2010. – 358 p.
9. Alfred Weber. *Theory of the Location of Industries*. University of Chicago Press. 1929. – 256 p.
10. Alfred Marshall. *Principles of Economics (Great Minds)*. Prometheus. May 1997. – 320 p.
11. Саидахмедов У. Кластер назарияси ва унга амалий ёндашувлар. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Issue 4. № 2 (2023). 51-56-бетлар. <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/2784/2930>
12. Porter M. 1998. *Clusters and the New Economics of Competition*. Harvard Business Review. URL: <https://hbr.org/1998/11/clusters-and-the-new-economics-of-competition>
13. Портер М. Международная конкуренция. Пер. с англ. / Под ред. и предисл. В.Щетинина. – М., 2006. – 980 с.
14. Galvez-Nogales, Eva. *Agro-based clusters in developing countries: staying competitive in a globalized economy*. Agricultural Management, Marketing and Finance Occasional Paper № 25. Food and Agriculture Organization of The United Nations (FAO). Rome, 2010. – 105 p. URL: <https://www.fao.org/3/i1560e/i1560e.pdf>
15. Демичев В.В. Анализ предпосылок формирования аграрных кластеров. // Экономика сельского хозяйства. 2012. № 2. С. 56-66.
16. Хухрин А.С., Бундина О.И., Настин А.А. Концепция развития аграрных кластеров в Российской Федерации. // Экономика, труд, управления в сельском хозяйстве. 2011. № 1 (6). С. 15-20.
17. Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития. // Теория и практика управления. 2003. № 5. С. 40.
18. Мигранян А.А. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособных кластеров. // Вестник КРСУ. 2002. № 3. С. 36-45.
19. Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Муродова М. Агрокластер: ташкил этишининг назарий асослари. // "Иқтисод ва молия" илмий журнали. 2014. 2-сон. 19-25-бетлар.
20. Саидахмедов У. Кластер назарияси ва унга амалий ёндашувлар. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Issue 4. № 2 (2023). 51-56-бетлар. <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/2784/2930>
21. Исроилов Р.И., Ҳожиматов Р.Р. Пиллачилик соҳасида кластер тизимини ташкил этишининг аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусияти. НамДУ илмий ахборотномаси. – Научный вестник НамГУ. 2019 йил, 4-сон, 102-103-б.
22. Мамадалиев К.К. Инновации как фактор экономического развития аграрного сектора. // Life Sciences and Agriculture. 2021. № 1(5). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsii-kak-faktor-ekonomicheskogo-razvitiya-agrarnogo-sektora>.